

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ 2017 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ АМАЛГА
ОШИРГАН ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН АХБОРОТИ ҲАМДА
2018 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ
РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил иккинчи ярмидаги амалга оширган ишлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбанкуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти (С. Курбанкулов) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2018 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган барча тадбирларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 январь,
№ 862.*

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2018 йил 11 январдаги 862-сон
қарорига 1-илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
2017 ЙИЛ ИККИНЧИ ЯРИМИДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ
ЮЗАСИДАН АХБОРОТ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (кейинчалик матнда Комиссия) 2017 йилнинг иккинчи ярми мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда амалдаги сайлов қонунчилиги, шунингдек “Комиссиянинг 2017 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси”, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 27 мартдаги 823-сон “Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар режаси тўғрисида”ги қарори ҳамда Марказий сайлов комиссияси 2017 йил 30 июнь куни 835-сон қарор билан тасдиқланган Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастури доирасида ўз фаолиятини амалга оширди.

2017 йилнинг иккинчи ярми давомида Комиссиянинг 12 та мажлиси бўлиб ўтди. Уларда мамлакат парламенти Қонунчилик палатасининг айрим депутатлари ва Сенати аъзоларининг муддатидан олдин ваколатлари тугатилиши муносабати билан уларни қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан чиқариш, шунингдек халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш масалалари ҳамда бошқа бир қатор Комиссия ваколатидан келиб чиқиб ўрганилган масалаларга тегишли бўлган 23 та қарор қабул қилинди, Комиссия фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ 39 та фармойиш имзоланди.

Комиссияга ҳисобот даврида турли ташкилотлардан жами 204 та, шундан, хизматда фойдаланиш учун 29 та, жисмоний шахслардан 55 та мурожаатлар келиб тушди ва ўз вақтида ижрога қаратилди. Шунингдек, Комиссия ваколатидан келиб чиқиб, жойларга 291 та хат-ҳужжатлар юборилиши таъминланди.

Комплекс тадбирлар режаси доирасида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг

фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Аввало, Марказий сайлов комиссияси 2017 йил 30 июнь куни 835-сон қарор билан Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастурини қабул қилди. Мазкур дастурда Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ва устувор вазифалар этиб сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, сайловчиларни сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, номзодларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш каби тадбирлар назарда тутилган. Шунингдек, сайловчиларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш мақсадида самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш, сиёсий партияларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини сайловчиларга, кенг жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб бериш, сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017 йил 29 августда имзоланган “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси 2017 йил 15 сентябрь куни “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида”ги 849-сон қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов 2017 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2017 йил 24 декабрь куни ўтказилиши белгиланди. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампанияси жорий йилнинг 23 сентябридан бошланиши ва сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган вазифаларнинг муддатлари ҳамда масъуллари белгилаб берилди.

Марказий сайлов комиссияси Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловни юксак демократик савияда ўтказиш, фуқаролар, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини, уларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда сайловни Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш мақсадида етакчи олимлар, мутахассислар, экспертлар ва амалиётчилар иштирокида сайловчиларнинг ва халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича Тошкент шаҳар аҳолиси ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари ўртасида тарғибот ва тушунтириш, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирларни икки йўналишда ташкил этилди.

2017 йил 11 август куни Марказий сайлов комиссиясининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси иккинчи қисмини қўллаш тўғрисида”ги 843-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзоди кўрсатилганда, депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериши шарт бўлган ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари рўйхати шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ўтказувчи сайлов комиссияларига сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодларни рўйхатга олишда ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси иккинчи қисмини қўллашда ушбу рўйхатга амал қилишлари тавсия этилган.

Марказий сайлов комиссияси шу куни “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 844-сон қарорни қабул қилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича услубий тавсиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзод этиб кўрсатиш тартиби,

муддатлари ва депутатликка номзоди кўрсатилаётган шахсларга талаблар ҳамда депутатликка номзодлар кўрсатишда тегишли ҳужжатларни туман ва шаҳар сайлов комиссияларига тақдим этиш учун намунавий ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилган.

2017 йил 11 август куни Марказий сайлов комиссиясининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг бинолари ва хоналарини жиҳозлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 845-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг бинолари ва хоналарини жиҳозлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг ушбу Низомда белгиланган тартибларни амалга оширишлари учун зарур имкониятларни яратиб бериш масаласи белгиланган.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг бинолари ва хоналарини жиҳозлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари бинолари ва хоналарини жиҳозлаш юзасидан асосий талаблар, сайлов комиссиялари ўз фаолиятида фойдаланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов комиссияларида иш юритиш жилдлари ҳамда сайлов комиссиялари таъминланиши керак бўлган канцелярия жиҳозлари рўйхати белгилаб кўйилган.

2017 йил 15 сентябрда Марказий сайлов комиссиясининг “Округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 852-сон қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича услубий тавсиялар тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар ва референдум ўтказиш бўйича округ ҳамда участка комиссиялари таркибига номзодлар йигирма беш ёшга тўлган, партиясиз, қоида тариқасида ҳуқуқий кўникмага, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида билимга эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган, хотин-қизлар, турли миллат вакиллари, охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, сайлов ёки

референдумларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида тажрибага эга бўлган фуқаролар бўлиши мумкинлиги тавсия этилган. Бундан ташқари, округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари аъзолигига номзодларни танлаб олиш ва уларни аъзо этиб тайинлаш бўйича тартиблар белгиланган.

“Сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар режаси”нинг 20, 21, 23 - бандларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган айрим намунавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 5 октябрь куни 853-сон қарор қабул қилинди.

Қарорнинг 1-иловасида “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоларининг гувоҳномаси тўғрисида”ги намунавий низом тасдиқланган.

Мазкур намунавий низомда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси аъзоларининг гувоҳномаси, унинг ким томонидан берилиши, амал қилиш муддатлари, гувоҳнома йўқолса ёки яроқсиз ҳолга келиб қолса янги гувоҳнома олиш тартиблари ҳамда гувоҳноманинг тавсифи ёзилган.

Қарорнинг 2 ва 3-иловаларида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг асосий қарорлари рўйхати ва намунаси киритилган.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг асосий қарорлари намунасида тегишли сайлов комиссияси раиси ўринбосари ва комиссиянинг доимий асосда ишловчи котибини сайлаш, сайлов комиссиясининг муҳри ва расмий бланкасини тасдиқлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметасини тасдиқлаш, сайлов комиссияси регламентини тасдиқлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалар тақсимоти, сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилик жадвалини тасдиқлаш, сайловларни ёритиш бўйича матбуот марказининг фаолиятини ташкил этиш, сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузиш, сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш, сайлов участкаларини тузиш, участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш,

депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, сайловга доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш, депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган ташвиқот плакатлари намуналари, айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш ва сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорлар намуналари кўрсатилган.

Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2017 йил 1 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг “Сайловчиларнинг ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб вазифалари, сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга йўналтирилган тадбирлар тўғрисида”ги 857-сон қарори қабул қилинди.

2017 йил 1 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 858-сон қарори қабул қилинди.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тўғрисида”ги йўриқнома етти бобдан иборат. Энг муҳимларидан, 2-боб участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш бўлиб, унда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг ваколатлари ҳамда сайлов куни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари томонидан амалга ошириладиган вазифалар кетма-кетлиги белгилаб берилган. 3-боб участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш бўлиб, унда участка сайлов комиссияси жойлашган бино, сайлов участкасида бўлиши тавсия этиладиган сайловга бағишланган ахборот стендлари, сайлов жиҳозлари, иш юритиш жилдлари, канцелярия анжомлари, “Она ва бола” хонасида бўлиши тавсия этиладиган жиҳозлар, сайлов участкасида тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш бўйича тавсиялар белгилаб берилган. 4-бобда муддатидан олдин овоз бериш тартиби ва овоз бериш жараёни схема шаклида ёритилган.

Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 14 декабрдаги мажлисида “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби

тўғрисида”ги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 860-сон қарор қабул қилинди.

Мазкур йўриқномада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ва “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ маблағларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, харажатларни молиялаштириш тартиблари белгиланган.

Шу билан бирга, Дастурнинг 9-бандига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан муддатидан олдин овоз бериш, сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти тўғрисида, 2017 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни тўғрисида ва Сайловчиларининг ягона электрон рўйхати мавзусида роликлар тайёрланиб, телевидение орқали ҳар куни эфирга узатилди.

Марказий сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ:

- 2017 йил 10 июлдаги 839-сон қарорига мувофиқ К.Куранбаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида;

- 2017 йил 10 июлдаги 840-сон қарорига мувофиқ Ё.Умаров Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимларини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича йиғма ахборот-таҳлил департаментининг мудирини лавозимига тайинланганлиги муносабати билан ва берган аризасини инобатга олиб унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 11 августдаги 841-сон қарорига мувофиқ Б.Юсупов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш;

- 2017 йил 11 августдаги 842-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг депутаты С.Турдиев Андижон вилояти Жалақудуқ тумани ҳоқими лавозимига тайинланганлиги ва ёзма аризасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутаты А.Матякубов вафот этганлиги муносабати билан уларнинг депутатлик ваколатлари муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 18 августдаги 846-сон қарорига мувофиқ А.Тургуновнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси ваколати берган ёзма аризасига мувофиқ муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 18 августдаги 847-сон қарорига мувофиқ Андижон ва Жиззах вилоятлари давлат ҳоқимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари 2017 йил 21 август куни ўтказиш;

- 2017 йил 22 августдаги 848-сон қарорига мувофиқ С.Турдиев ҳамда М.Джумагалдиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олиш;

- 2017 йил 15 сентябрдаги 850-сон қарорига мувофиқ П.Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири лавозимига тасдиқланганлигига ва М.Хайдаров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида ёзма ариза берганлигига асосан, уларнинг сенаторлик ваколатлари муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 15 сентябрдаги 851-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты У.Холов Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси лавозимига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты А.Тошқулов Термиз давлат университетининг ректори лавозимига тайинланганликлари муносабати билан уларнинг депутатлик ваколатлари муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 13 ноябрдаги 854-сон қарорига мувофиқ И.Ўрақов, У.Узаков ва Ш.Бабаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзоси ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида берган ёзма аризаларига асосан, уларнинг сенаторлик ваколатлари муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 13 ноябрдаги 855-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты З.Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги

“З.Умаровни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида”ги ПҚ–3330-сон Қарорига ҳамда ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳақидаги берган ёзма аризасига мувофиқ унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатиш;

- 2017 йил 14 декабрдаги 859-сон қарорига мувофиқ Самарқанд ва Хоразм вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари 2017 йил 18 декабрь куни ўтказиш;

- 2017 йил 19 декабрдаги 861-сон қарорига мувофиқ Самарқанд ва Хоразм вилоятлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайлови бўйича 2017 йил 18 декабрь куни ўтказилган қўшма мажлислари баённомаларига асосан Т.Джураев ҳамда И.Сабиров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхат олиш тўғрисида қарорлар қабул қилган.

Марказий сайлов комиссияси халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ҳам халқаро алоқаларни ривожлантириш ҳамда хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида қуйидаги самарали ишларни амалга оширди:

- 2017 йилнинг 3-5 октябр кунлари ва 18-21 июль кунлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси делегациясининг овоз беришда янги технологиялар бўйича катта маслаҳатчиси С.Мартин ва сайлов бўйича маслаҳатчиси У.Ахундлуниинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи ташкил этилди.

- 2017 йил 21 июль куни Ўзбекистондаги ЕХХТнинг лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси илтимосига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг сайлов амалиётини такомиллаштиришда. II босқич. 2017-2018 йилларда”, шунингдек келгусида ўзаро ҳамкорликни кўриб чиқиш мақсадида янги тайинланган катта маслаҳатчиси Ю. Беккер билан учрашув ташкил этилди.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ва Марказий сайлов комиссияси котиби С.Курбанкулов 2017 йил 31 август - 2 сентябр кунлари Руминия пойтахти Бухарестда Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг учинчи Бош ассамблеясида ва “Сайлов бюллетенлари санаб чиқиш ва овозларни ҳисобга олиш: сайлов жараёнининг ошкоралигини оширишда технологиялардан фойдаланиш” мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этдилар.

- Ўзбекистон Республикасининг икки нафар мутахассиси 2017 йилнинг 4-18 сентябрь ҳамда 25 октябрь - 5 ноябрь кунлари сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхати дастурий таъминотини таҳлил қилиш, лойиҳалаш ва ривожлантириш, шунингдек, синов жараёнида иштирок этиш учун Корея Республикасида амалий сафарда бўлишди.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов 2017 йилнинг 11-12 сентябрь кунлари Варшавада (Полша)да бўлиб ўтган инсон ўлчами соҳасида иштирокчи-давлатлар мажбуриятлари бажарилишини кўриб чиқиш мақсадида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотнинг йиллик Кенгаши йиғилишида қатнашди.

- 2017 йил 18-22 сентябрь ва 5 ноябр-27 декабрь кунлари БСОА ва “Jisung IT” экспертларидан иборат бўлган Корея Республикаси делегацияси учун Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар пайтида Ўзбекистон Республикаси сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхати дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, уни ўрнатиш ва синовдан ўтказиш мақсадида амалий сафари ташкил этилди.

- 2017 йил 20-22 сентябр кунлари Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К.Адилов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Э.Туляковдан иборат делегация Россия Федерациясининг Москва шаҳрида ташкил этилган “Кўп оламли дунё шароитларида замонавий сайлов тенденциялари” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этдилар.

- 2017 йил 6 октябрь куни Европа тикланиш ва ривожлантириш банки илтимосига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европа банки делегацияси вакили Ж.Авес учун К.Адилов билан қабул ташкил этилди.

- 2017 йилнинг 12–18 октябрь кунлари Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси делегацияси МДХ ва ШХТ кузатувчилари миссияларида жорий йилнинг 15 октябрида бўлиб ўтган Қирғизистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича халқаро кузатувчи сифатида иштирок этди.

- 2017 йил 23-24 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси вакиллари Мўғилистон мамлакатада сайловчиларнинг Ягона электрон рўйхатини яратиш тажрибасини ўргандилар.

- 2017 йил 8 ноябр куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиб Р.Алимов Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов билан учрашув ташкил этилди.

- 2017 йилнинг 9-10 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси Руминия давлатининг Бухарест шаҳрига ушбу мамлакат сайловчиларининг электрон реестрини шакллантириш тажрибаси билан танишиш мақсадида ташриф ташкил этилди.

Жорий йилнинг 24 декабрь куни бўлиб ўтган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича молия хўжалик бўлими томонидан сайлов жараёнида фойдаланиладиган 344 дона сайлов қутилари, 5 310 дона пломба, 172 дона овоз бериш кабиналари, 500 дона давлат байроғи, 502 дона давлат герби, 885 комплект канцелярия маҳсулотлари, 98 473 дона босма маҳсулотлари, 2 055 173 дона сайловга таклифномалар, 1 956 993 дона сайлов бюллетени ва сайлов варақалари ўз вақтида тайёрланиши ва жойларга етказилиши қатъий назорат қилинди ва белгиланган муддатларда етказиб берилди.

Ахборот якунида 2017 йил иккинчи ярми даврида Комиссия аъзолари ва ходимлар ўз ваколатлари доирасида мамлакатимизда миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, хорижий илғор тажрибаларни амалга тадбиқ этиш, пировардида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи эркинликларини таъминлаш вазифаларини изчил ва босқичма-босқич амалга оширишга жиддий эътибор қаратишди, деб таъкидлаш ўринлидир.

Марказий сайлов комиссияси Котибияти

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2018 йил 11 январдаги 862-сон
қарорига 2-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
2018 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
И Ш Р Е Ж А С И

№	Тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддати
1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил иккинчи ярмидаги фаолияти юзасидан ахборот эшитиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Комиссиянинг 2018 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш	М.Абдусаломов, С.Курбанкулов	январь
2.	Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиш. Экологик ҳаракатни алоҳида сиёсий куч сифатида сайловларда иштирокига оид қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш.	М.Абдусаломов, С.Курбанкулов, Х.Абдурахманов	I чоракда
3.	Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилиш ва уларнинг хулосаларини олиш.	С.Курбанкулов, Х.Абдурахманов	II чоракда
4.	Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини Ўзбекистон норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси порталида жойлаштириш ва кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш.	С.Курбанкулов, Х.Абдурахманов	II чоракда
5.	Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳасини халқаро ва чет эл эксперт ва мутахассислари иштирокида муҳокама қилиш (халқаро конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш), шунингдек, сайлов жараёнларига янги, илғор амалиётни, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказиш.	К.Адилов, С.Курбанкулов, Х.Абдурахманов, Ж.Фахрутдинов, Ж.Наханов, З.Асланов, Ф.Насриддинов	2018 йил II чорак
6.	2019 йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	К.Адилов, С.Курбанкулов, Х.Абдурахманов	январь
7.	Тадбирлар дастури лойиҳасини сиёсий партия вакиллари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг	К.Адилов,	январь

	Ўзини ўзи бошқариш органлари, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирокида муҳокама қилиш.	С.Курбанкулов, Х.Абдурахманов, Ж.Наханов, З.Асланов, Ф.Насриддинов	
8.	Тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг қарорини қабул қилиш.	М.Абдусаломов, Х.Абдурахманов	февраль
9.	Манфаатдор вазирлик, идоралар ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Корея Республикаси Миллий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича ишларни давом эттириш	К.Адилов, Х.Абдурахманов, З.Асланов	январь-июнь
10.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари котиблари билан сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш, сайловчиларининг Ягона электрон рўйхати тизими масалалари бўйича семинар ташкил этиш	К.Адилов, С.Курбанкулов, О.Абдуназаров, Х.Абдурахманов, З.Асланов	I-II чоракда
11.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари таркиби бўйича мониторинг юритиш	С.Курбанкулов Х.Абдурахманов	мунтазам равишда
12.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзоларининг бўшаб қолган ўринларига сайлов ўтказиш	М.Абдусаломов, С.Курбанкулов	қонунда белгиланган тартибда
13.	Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш: - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан биргаликда “Ўзбекистон Республикаси сайлов амалиётини такомиллаштиришга кўмаклашиш: II босқич” кўшма лойиҳаси бўйича ишларни амалга ошириш; - хорижий мамлакатлардаги сайловлар ва референдумларни кузатиш, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида иштирок этиш; - хорижий давлатлардаги халқаро тадбирларда қатнашиш; - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг хорижда ўтказилган тадбирлардаги иштироки юзасидан ахборотларини эшитиш	М.Абдусаломов, К.Адилов, З.Асланов	мунтазам равишда
14.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушадиган мурожаатлар билан ишлаш	С.Курбанкулов, М.Шоюсупова	мунтазам равишда
15.	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтини (www.elections.uz) доимий равишда янгилаш ва “Электрон кутубхона”ни бойитиб бориш	Ж.Наханов, З.Асланов	мунтазам равишда

Марказий сайлов комиссияси Котибияти